

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
1-БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ

КУРС ИШИ

Мавзу: ОАВда плюрализм, диалог,
“очиқ”, “ёпиқ”, “ярим ёпиқ мулоқот”,
цензура

Қабул қилди: Мунира Исомиддинова
Бажарди: Мурувватхон Нормаматова

ТОШКЕНТ-2014

Режа:

Кириш

Асосий қисм:

- 1 Журналистга бугунги талаб: эртанги иқтидорини
намоён қилиш**
- 2 ОАВ фаолиятида плюрализм**
- 3 “Очиқ”, “ёпиқ”, “ярим ёпиқ мулоқот”**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

“Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида бутун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар тараққиёти учун, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш авлод учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берганини ҳеч ким инкор этолмайди. Авваламбор, фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз”

Ислом КАРИМОВ

“Журналистикада моҳият-эътибор билан ҳаққонийлик, эзгулик, холислик, ҳақ-ҳуқуқ сингари энг инсоний туйғулар талабларига хизмат қилса-да, ахборот глобаллаша бораётган ҳозирги шароитда тарқатилаётган оддий ахборот замирида ҳам холис-нохолис манфаатлар ётганини сезиш қийин эмас. Жаҳон журналистикасида бу улкан тизимни изга солиб турувчи, мувофиқлаштирувчи, муҳофаза этувчи куч-механизм нуфузли қонунларда, тан олинган ахлоқий тамойилларда мужассамланган”.

1 Журналистга бугунги талаб: эртанги иқтидорини намоён қилиш

Замонавий журналистик тафаккурини шакллантириш, журналистни ОАВ талаб-эҳтиёжларига мос келадиган амалий, ижодий фаолиятга тайёрлаш - бугунги куннинг энг муҳим, долзарб вазифаларидан биридир. Булар: бугунги талаб – эртанги журналистнинг табиий иқтидори, истеъдодини ривожлантириш ўзига хос касбий сифатлар тизимини, турли-туман ижодий ўқув, малакавий ҳаракат йўлларини, ташкилотчилик, муҳаррирлик ишларини, усулларини, ахборот йиғиш ва ишлаш методикасини ва техникасини шакллантириш ва асар яратиш, уларни йиғиб, териб жойлаштириш, дастур ва сонни рўёбга чиқариш ва бошқалардир. Бунга ўқув фанларини чуқур ўрганиш, таҳририят, студияларда тўпланган тажрибаларни, янги билим ва малакаларини ўзлаштириш, назария ва амалиётни биргаликда олиб бориш орқали эришилади. Журналист ўз сўзида қатъиятли бўлиши баъзан аччиқ тилли, нафсониятли бўлиши, “танқидий кўз”да эса иймон-эътиқодда эса холис дунёқараш билан фикр юритиши лозим.

Журналистларнинг маълумотларни излаш, улар устида ишлаш, уларга холисона ёндашиш, объектлар билан муносабатда шахсий масалаларни аралаштирмаслиги ва шу каби ҳолатларини аниқлашни авваламбор, босма нашрлардан кузатиш лозим. Бунинг учун эса маълум ҳуқуқий меъёрларни билиш талаб этилади.

Ўзгал хулқ эгаси ўзининг ишини пухта, сидқидилдан бажаради. Журналист ҳар бир масалага тўлиқ ёндашиши лозим. Чунки у бутун бир жамият, яъни кенг омма билан ишлайди. Унинг аудиторияси турли ёшдаги, табақадаги, миллату элат, хуллас, ҳар хил билимли, тажрибали инсонлардир. Агар журналист кузатаётган масала сиёсий мазмун касб этса, албатта, ушбу ҳолатга доир манбаларга эҳтиёткорона ёндашади. Аввало, берилаётган

маълумотнинг асосий объекти билан танишади, ўзгаларига ҳам кўз югуртиради. Шу ўринда, мамлакатимизда ОАВ Қонунчилиги бўйича журналистга қўйиладиган мажбуриятларни эсга олсак. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида журналистнинг мажбуриятлари берилади. Унга кўра, “ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

- қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;
- ўзи тайёрлаётган материалларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;
- айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;
- шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.
- Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видеоёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас;
- журналист қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт”¹.

Умуман, дунё мамлакатларида оммавий ахборот воситалари жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тутди. Газета ва журналлар, радио ва телевидение ҳар бир давлатда омма билан ҳокимият ўртасида ўзига хос алоқа воситаси, ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат қилади. Юртбошимиз жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда

¹ Бобакалонова Лола Зухриддиновна. Англия анъанавий ва онлайн нашрларида касбий этика масалалари. Қўлёзма ҳуқуқида.

шунчалик адолат ва тўғрисиўзлик муҳити ҳукмрон бўлади, деб жуда оқилона таъкидлаганлар. Халқ фикрининг очиқ-ойдин ифодаловчиси демократиянинг муҳим таянчи бўлганлиги учун давлат бошқаруви органлари оммавий ахборот воситалари билан маслаҳатлашишга, уларнинг таклифларини эътиборга олишга мажбурдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон республикаси Конституциясининг 67-моддасида: “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”, дейилади. Бинобарин, давлатимизнинг Асосий Қонунида бу қоида бежиз қайд этилмаган. Ушбу қисқа жумлаларда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, эркинлигини кўрсатиш, уларнинг халққа садоқат билан хизмат қилишига эришиш зарурияти алоҳида уқтирилган.

Ҳозирги кунда мустақил давлатимизда оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошкора фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кейинги бир неча йил ичида Олий Мажлис бу борада қатор қонунлар қабул қилдики, улар ҳар қайси оммавий ахборот воситаси ва ҳар бир журналист учун дастуруламалдир, ўзига хос ҳимоя воситасидир.

Бугунги кунда соҳага доир, хусусан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларининг қабул қилиниши ОАВ соҳасининг ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамловчи омил бўлди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда соҳа учун хизмат қилувчи Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари мониторинги ва

уларни лицензиялаш маркази ташкил этилди. Албатта, буларнинг барчаси соҳа бўйича олиб борилаётган ислохотлар натижасидир.

Юқорида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятинининг ҳуқуқий асослари берилганда, улар орасида матбуот, нашрлар фаолияти билан боғлиқ Қонун ҳужжати номига ҳам дуч келинди. Саволга ана шу Қонун лойиҳалари асосида жавоб излаймиз. Улардан биринчиси, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ОАВ эркинлиги, цензурага, монополлаштиришга йўл қўймаслик, таъсис этиш ҳуқуқи ва ҳужжатлари, муассис ва таҳририят шартномаси, ОАВни рўйхатга олиш, нашрга оид маълумотлар ва шу каби ташкилий, ҳуқуқий масалаларга батафсил тўхталинади. Айтиб ўтиш жоизки, мазкур Қонун умумий талаблар мажмуи бўлгани боис тузилганидан бошлаб унга кўп бора ўзгартиришлар киритиб келинади.

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунда эса ахборот ва унга доир тушунчалар, ахборот эркинлиги, ахборот олиш ва бериш тартиби, шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги каби масалаларга эътибор қаратилади. Албатта, ахборот бугуннинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги, журналист учун касб ахлоқи масаласига ҳам ахборотнинг бугунги кучли аҳамият касб этаётгани сабаб бўлмоқда.

Яна бир қонун “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” бўлиб, ушбу ҳуқуқий манбада журналистлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унга ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар беради, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди. Шунга кўра мазкур Қонун ҳужжатида маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил

етиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахс, яъни журналистга таъриф берилади, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, дахлсизлиги, текширув олиб бориши, касбига доир фаолияти кафолатлари, аккредитацияси, жавобгарлиги ва шу каби масалалар моддаларда ўз аксини топади.

2 ОАВ фаолиятида плюрализм

Журналистик назарияда "оммавий ахборот" тушунчаси "информация" лотинча маълумот бериш, баён этиш, хабардор қилиш дегани, энг асосий, таянч тушунча бўлгани сингари. Журналистиканинг оммавий ахборот йиғиш, ишлаш, тартибга олиш, тарқатиш борасидаги фаолияти унинг алоҳида ижтимоий фаолият соҳаси сифатидаги мазмун-моҳиятини очиб беради. Ўз ижтимоий ролини бажарилиши учун журналистиканинг ахборотдан бошқа воситаси йўқ. Шундай қилиб, "ахборот" атамаси бизнинг кунларда, кенг маънода олганда, журналистика аудиторияга тарқатадиган сўзли (вербал) ва сўзсиз (қайд этилган, тасвирга туширилган) маълумотлар йиғиндисидир.

ОАВ фаолиятида сиёсий, мафкуравий, маданий плюрализм ҳам ўта муҳим аҳамиятга моликдир. Плюрализм лотинча pluralis кўплик борлиқнинг бир неча ёки кўплаб мустақил ибтидоси ёки билимнинг бир қанча асоси мавжуд деб ҳисобловчи фалсафий қарашдир. Шу билан бирга манфаатлар, ғоялар, қарашларнинг ҳам кўплигини билдиради. Плюрализм терминини немис файласуфи Х.Волф киритган. Плюрализмнинг акси монизм лотинча моно "ягона" ёки дуализм лотинча дуалис "иккиламчи". Жамият сиёсий тизимининг хусусияти. Бунда ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини ўз вакиллари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ва бошқа ташкилотлар орқали ифодалаш учун ташкилий тартиб қоида тусини олган имкониятларга эга бўлади. ОАВ табиатидан келиб чиқиб, конституция қоидаларидан чекинмаган ҳолда, турфа қарашларни жамиятга тақдим этади, муҳокамага қўяди.

Умуман олганда, демократик давлатда плюрализм бўлиши, бунда ҳар бир шахс ўз фикри, қарашига эгаллиги ҳар жиҳатдан ижобий самара беради. Бу эркин демократик давлат ва одил фуқаролик жамият тушунчасини ифодалайди. Демократия амалда бўлган давлатда яшаш тарзини яхшилаш

учун керакли ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлади, хусусан касбий фаолиятга доири ҳам. Инглиз журналистлари учун тузилган ахлоқий кодексларда кўринадики, аввало, бу касб эгаси ахборот билан ишлашда холис ёндашувни амалга ошириши, қолаверса, масалага эҳтиёткорона ёндашиши умумий маъно касб этади. Энг муҳими, касб ахлоқи бўйича тузилган кодекслар журналистдан маълум тартибларга риоя қилиб материал тайёрлашни талаб этади, бу эса омманинг манбага бўлган ишончини кафолатлайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари тизимида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. “Тўртинчи ҳокимият” номли китобда бу қуйидагича таъкидланади: “Юксак марраларга эришиш учун кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик соҳаси ва амалий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур кафолат ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда”

Плюрализм, яъни турфа фикрлилик бағри кенглик, тантилик, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш тушунилади. Баҳснинг, мунозаранинг соғлом, ҳалол кечиши, ортиқ сиёсатга берилмаслик, пировардида монистик, Е.П.Прохоров сўзи билан айтганда моноплюралистик ечимга келиш, конструктив ҳамкорлик жуда муҳимдир. Бунда ижтимоий мулоқот, яъни диалогга зарурат туғилади. Сиёсатда, шунингдек, журналистикада, мулоқот-бир шунчалик баҳс, мунозара, луқма ташлаш эмас, бузиш эмас, аксинча тузиш, конструктив фикрлашиш, ижобий натижаларга интилиш, томонларни келиштириш мурсогага келтириш демакдир.

Таҳририят фаолиятида, ахборот сиёсати (информационная политика) ўта муҳим роль ўйнайди. Бу-муаммоли мавзу-тематик йўналишини ғоявий-ижодий концепциясини белгилаш, умумий йўл, йўналишини олиб бориш деганидир. Бу ишни, асосан, муассис ўзи мустақил ёки нашр (дастур раҳбари

билан биргалиқда олиб боради. Ҳамкорликда иш юритиш самарали. Бундай ҳамкорликда маълум даражада плюрализм (турфа фикрлилик)га ҳам йўл қўйиши мумкин. Ёҳуд муассис ўз позициясини қаттиқ ўтказиш ҳам мумкин.

Ахборот сиёсатини олиб боришда аудиторияни йўналтириш ориентация ва у билан ўзаро муносабат усуллари жуда муҳимдир.

Ахборот сиёсатини юритишда бошқа ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик ҳам кам аҳамиятга эга эмас. Диалог, ҳамкорлик, плюрализмни кенг йўлга қўйиш ва бошқалар.

Ҳар қандай плюрализм бевосита ва билвосита полемика билан боғлиқ “Суқрот менинг дўстим, лекин ҳақиқат ҳаммасидан устун”, “Россия буюк, лекин ҳақиқат ундан-да буюк ” каби хулосалар баҳс-мунозара асносида келиб чиққандир. Баҳс-мунозара санъатини ҳар бир киши эгалламоғи даркор. Бу айниқса, олимга, арбобга, дипломатга, журналистга ниҳоятда керак. Далил (факт), асос ва мантиқ-полемиканинг негизини ташкил этади. Баҳс-мунозара олиб бориш қоидалари бор, одоби (этикаси) бор. Бунда қизишиш, ҳиссиётга берилиш, аравани қуруқ олиб қочиш, шахсиятга тегиш ножоиз. Суқрот, Юлий Цезар, Цицерон, Аграновский, Ваксберг, Ғайбуллоҳ ас-Салом ва бошқаларнинг полемика санъати ёш журналистларга, умуман ижод аҳлига кўп нарса беради.

3 “Очиқ”, “ёпиқ”, “ярим ёпиқ мулоқот”

Анъанавий нашр фаолиятида самарадорликка эришиш учун унда хизмат қилаётган ходимлар, хусусан, журналистларнинг ҳатти-ҳаракатлари аҳамиятли ҳисобланади. Журналист касб меъёрларига риоя қилиши, материал устида ишлашда холислик, аниқлик каби асосий мезонларга риоя қилиши керак. Чунки касбий-ахлоқий меъёрларнинг талаб этилиши жамият манфаатларидан келиб чиқиб тузилган. Жамиятнинг тинчлиги, фаровонлиги, ана шу журналистнинг ҳам осуда ҳаёти демакдир, сабаби у ҳам ана шу жамиятнинг бир қисми ҳисобланади.

Журналистика тараққиётининг шаклланиши жараёнида коммуникациянинг турли кўринишларининг фаоллашуви орқали кечади. XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида оммавий коммуникациянинг мислсиз даражада ривожланиши фан-техника ютуқларининг тараққий этгани билан боғлаш мумкин. Яъни ахборот алмашинувини турли воситаларининг ривожланиши орқали ахборот оммалашди. Ўз навбатида оммавий коммуникацияни ташкил қилувчи компонентлар шахслараро коммуникациянинг ривожланишига ҳам туртки бўлди. Натижада унинг моҳият мазмуни турли кўринишлардаги мулоқотга кўчди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида шундай фикрларни таъкидланган: *“Аввало, телевидениени давлат ва жамиятимизни бамисоли бир кўприкдек боғлаб турадиган жонли мулоқот воситасига айлантириш, эфир орқали бугунги кунинг долзарб муаммоларини кўпроқ акс эттириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, ҳар қайси инсоннинг ўз мустақил фикрини ифода этишига имкон бериш, турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг қизиқиш ва*

интилишлари, ҳаётини манфаатларини ёритиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур”²

Ҳар қандай жамиятнинг коммуникатив жараёнларини турли кўринишдаги мулоқотлар ташкил этади. Шу боис мулоқотни жамиятдаги турли муносабатларнинг асоси, таъбир жоиз бўлса, “жон томири” дейиш мумкин. Аммо мулоқот билан оммавий мулоқотнинг фарқи борлигини яхши билишимиз керак. Журналистика соҳасини эса кўпроқ оммавий мулоқот, кўпчиликка тааллуқли бўлган мулоқот қизиқтиради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар қандай оммавий ахборот воситаси, шунингдек, журналист ҳам ўзининг жамоатчилик онгини шакллантиришга қаратилган информацион-коммуникатив мақсадини амалга оширишда мулоқотдан кенг фойдаланади.

Диалог турли йўсинда олиб борилиши мумкин “Очиқ мулоқот”, “ёпиқ мулоқот”, “ярим ёпиқ мулоқот” ва бошқалар.

“Очиқ мулоқотда” ўз нуқтаи назари, қарашлари, асослари яширмай-нетмай, очиқ-ойдин баён этилади ва бошлиқларга ҳам рўй-рост, очиқ бўлиш таклиф этилади.

“Ёпиқ” нуқтаи назарда ўз фикрида қаттиқ турилади, ҳақлилигига тўлиқ ишонч билдирилади.

“Ярим ёпиқ” шаклда оппонентларнинг танқидий мулоҳазалари, очиқ тан олинмаган ҳолда қисман ҳисобга олинади, бу “монистик диалог” ҳам дейилади. “Диалогик монолог”да оппонентларнинг аргументлари, таклифлари ҳисобга олиниши айтилади, фақат нуқтаи назарига қисман ва кичик ўзгартиш киритиш тан олинади.

Очиқ мулоқот олиб борувчи ОАВ барчага маъқул, мақбул ечим излаши, компромисс, консенсусга эришиши лозим, бу қийин иш, лекин муҳим.

² Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т., 2008 й.

ОАВ соҳасида давлат сиёсати турли давлатларида турлича. ОАВ соҳасида давлат сиёсати-журналистика соҳасида раҳбарликнинг турли усуллари демакдир.

Ўзбекистон Республикасида ОАВга раҳбарлик Президент фармонлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари, Олий Мажлис қабул қилган қонунларида ва бошқа ҳужжатларида ўз ифодасини топгандир. Журналистиканинг ўз ичидаги муносабатлар муассис-бош муҳаррир-журналистлар қонун асосида бошқариш қийин бўлган ўзига хос, мураккаб соҳадир.

ОАВ билан ахборот манбалари ижтимоий институтлар, фуқоролар ўртасидаги, қонунчилик билан бошқариладиган муносабатлар ҳам мураккаб, масалалардан. Бошқаришнинг яна бир соҳаси-журналистлар ахборотни тарқатиш ҳуқуқига тегишлидир, бу ҳуқуқлар ҳалқаро ва ички ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган бўлади. Бошқаришнинг яна бир соҳаси ОАВ билан аудитория ўртасида муносабатлардир.

ОАВни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳам жуда муҳим (солиқларни енгиллаштириш ёки буткул озод қилиш, божхона, валюта борасидаги имтиёзлар ва ҳ.к.)

ОАВ-тўртинчи ҳокимият сифатида. Ҳокимият-бирон бир субъект одам ёҳуд ташкилотлар куч-қудрати намойиши, ўз ҳукмини, иродасини ўтказиш демак. Ҳокимиятнинг уч тури мавжуд: сиёсий бошқарув, иқтисодий рағбатлантирув, мафкуравий таъсир. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятининг қарорлари бажаришга мажбур. Давлат ОАВ, бажариш мажбур бўлган ҳужжатларни қонунлар, қарорлар ва бошқаларни ташкил этади. Эълон қилиш жараёнида расмий нашрлар, органлар сифатида иш кўради, шу маънода ҳокимиятнинг органи сифатида намоён бўлади.

ОАВнинг "тўртинчи ҳокимият" деб аталиши кўпроқ метафора маъносида ОАВнинг "Тўртинчи ҳокимиятлиги", унинг таъсири кучлилигига, сўзининг ўткирлилиги, қудратлилигига ишорадир. ОАВнинг "тўртинчи

ҳокимият”лигини ошириб кўрсатиш ҳам, камайтириб кўрсатиш ҳам керак эмас. Бундай ҳолларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш нормал ахборот тартибига эришиш, фуқороларни ахборот билан энг кўп даражада қуроллантириш демакдир. Журналистик “трибунал” деган нарсаси бор. Бу ОАВ соҳасидаги сохтагарчиликлар, ёлғон-яшиқлар, тухмат, бўҳтонларни, таҳлил этиш, фош қилиш, оммани огоҳлантиришдир. Журналистнинг сиёсий маданияти, воқеа-ҳодисаларни сиёсий таҳлил этишда хулосалар чиқариш салоҳияти ўта муҳим, бу, айниқса, ҳалқаро журналистлар учун ғоят муҳим.

Матбуот эркинлиги ғояси XVII асрда юзага келди. Матбуот эркинлиги шиорида учта нарсани амалга оширишга ҳаракат қилинади. Биринчидан, барча қарашлар, фикрларни эълон қилиш, токи ғоялар бозорига турфа ғоялар чиқсин. Иккинчидан, ранг-баранг таълимотлар шабадаси ижтимоий ҳаётда иштирок этган ҳаммага баробар тегсин. Учинчидан, жамоатчилик турли-туман қарашлар доираси билан танишиш имкониятига эга бўлса, кенг аудиторияни тўғри нуқтаи назар эгаллайди, ёлғон ва адолатсизлик шармандаларча мағлуб бўлади.

Ривожланган мамлакатларда матбуот давлат томонидан ҳар хил йўллар билан назорат қилишдан халос этилмоқда. Масалан, АҚШ Конституциясида “конгресс” сўзи ва матбуот эркинлигини чекловчи бирорта ҳам қонун чиқармаслиги лозим деган модда бор. Германия Конституциясида “ҳар бир киши ўз фикрини ёзма, оғзаки, тасвир воситасида эркин ифода этиши, тарқатиши мумкин. Радио ва кино орқали матбуот эркинлиги, ахборот эркинлиги кафолатланади, цензурага йўл қўймайди” деб ёзиб қўйилган. Россия Конституциясида, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияларида ҳам матбуот эркинлиги кафолатланган.

Мустақил матбуот моделига асосан ахборотни тарқатиш олдиндан рухсатсиз ёки лицензияларсиз ҳамма учун очиқ бўлиши керак. Ҳукумат ва расмий кишиларни танқид қилиш эркин бўлиши ҳамда улар бунинг учун

жазоланмаслиги керак. Қонуний воситалари орқали йиғилган материалларни чоп этишда цензура ва бошқа тўсиқлар бўлмаслиги керак. Оммавий ахборотни миллий-давлат чегараларидан ташқарига тарқатишда тўсиқлар олиб ташланиши зарур.

ОАВ патентлар орқали назорат қилиб борилади. Англияда патентларнинг ривожланганлиги туфайли назорат қилиш ҳам қулай ҳисобланган, уни цензура термини сифатида ҳам ишлатишган. Давлат дин ва сиёсий мавзуга оид материалларни назорат қилишни талаб қилишган, лекин мулозимлар давлатнинг тез-тез ўзгариб турувчи характерини билишлари жуда қийин бўлган. Цензура муаммоси доимо кескин бўлиб турган, шунинг учун ҳам у билан ҳеч ким алоқа қилишни хоҳламаган. Цензура дегани бу нашрга кетадиган ҳар бир материал текширилиши ва уни чоп этишга рухсат олиниши керак бўлган. Авторитар назария мавжуд бўлган давлатларда назорат қилишнинг учинчи услуби бу жорий этилган ҳуқуқий нормаларни бузганлиги учун суд томонидан таъқиб этилган.³

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида Цензурага йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилган. “Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ва материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.”

³ Журналистика назариясига кириш. Маъруза матни.

ХУЛОСА

Ахборот сиёсатида аудиторияни мўлжаллаб иш кўриш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳам муҳим. Аудиториянинг қизиқиши, манфаатини кўзлаб иш тутишда гап кўп. Ҳамфикр, ҳаммаслақлар билан иш олиб бориш осон. Таҳририят позицияси билан тўла ёки қисман келишмайдиганлар билан муносабат ўрнатиш қийин, бунда муроса-мадора йўлини топиш муҳим. Бунда очиқ мулоқот, юзага келган муаммоларни очиқ-ойдин муҳокама қилиш, англашилмовчиликларни бартараф этиш тадбирларини кўриш лозим. Бошқа ОАВлар билан муносабат ўрнатишда ҳам тадбиркорлик лозим. ОАВ ахборот билан таъминлашда бутун ахборот майдонини қамраб олиш ёхуд муайян муаммо, муаммолар тизимига диққатини қаратиш ҳам мумкин. (“далиллар газетаси”, “фикрлар газетаси” мавжудлиги аён).

Журналистнинг сиёсий маданияти, воқеа-ҳодисаларни сиёсий таҳлил этишда хулосалар чиқариш салоҳияти ўта муҳим, бу, айниқса, ҳалқаро журналистлар учун ғоят муҳим. Журналистиканинг тарихий типлари деганда феодал-монархия журналистикаси, диний-клерикал, буржуа, социалистик, умумгуманистик журналистика кўзда тутилади.

Фуқоралик жамияти ва ҳуқуқий давлатчиликнинг тараққий этиши билан оммавий-ахборот фаолияти эркинлигининг принципал асосларини сақлашда ОАВ фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришга эҳтиёж, зарурат туғилдики бунинг натижасида ОАВ эркинлиги масъулияти концепцияси шакллана бошлади, масалан, ФР Конституциясида цензурага йўл қўйилмаслик ҳақидаги модда пайдо бўлгандан кейин, қонун чиқарувчи ҳокимият ОАВ эркин фаолияти доирасини бошқарувчи қонунлар чиқаришга ҳақли деган маънода қоида юзага келади. АҚШда ҳам журналистик фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг бир қанча йўналишлари мавжуд. «Давлат-ОАВ», “муассис-журналист”, “журналист-воқелик”,

“журналист-аудитория”, “журналист-ижтимоий институтлар”, “журналист-ОАВ инфратизими” ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т, “Маънавият” 2008
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2001.
3. Журналистика назариясига кириш. Маъруза матни.
4. Бобакалонова Лола Зухриддиновна. Англия анъанавий ва онлайн нашрларида касбий этика масалалари. Қўлёзма ҳуқуқида.
5. www.google.uz